Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

4-йил чиқиши
16 ИЮНЬ, 1969 Й
ДУШАНБА
№ 140 (904).
БАҲОСИ 2 ТИЙИН

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

БУТУНИТТИФОҚ СИМПОЗИУМИ

Бугун

Тошкентдаги рентгенология, радиология ва онкология илмий тадқиқот институтида Бутуниттифоқ шифокор олимларнинг икки кунлик симпозиуми иш бошлади.

Симпозиум маҳаллий жойларда содир бўладиган айрим касалликларни ўрганишга бағишланган.

Шифокорлар анжуманида москвалик профессор А. В. Чаклин, профессор Д. М. Абдурасулов, олмаоталик олим С. Г. Байманова, профессор С. Нуъмонов ва бошқа таниқли олимларнинг илмий докладлари тингланади.

ҲУНАР ЭГАЛАРИ

Тошкентдаги 2-техника билим юрти саноат корхоналари учун кўплаб токарлар, фрезерчилар, слесарлар, слесарь-монтажчилар тайёрлаб бермоқда.

Бугун

билим юрти қучоғини 300 киши муваффақиятли тамомлаб, ҳаётга йўлланма олди.

БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ ЗАРБДОР ОДИМЛАРИ

КЕЛГУСИ ЙИЛ ҲИСОБИГА

Газламанинг қанчалик пишиқ бўлиши тўқимачининг муваффақиятли ишлашига боғлиқ. Бундан йигирма йил муқаддам Тошкент тўқимачилик комбинати тўқув фабрикасининг йигирув цехига келган Хадича Тожибоева ана шу гапни меҳнат шиори қилиб олган.

Вақт ўтиши билан Хадича опа фабриканинг илғор ишчиларидан бирига айланди. Мастер Д. Мустафоевнинг биринчи навбатда Тожибоеванинг номини фахр билан тилга олишида жон бор. Чунки, у ҳар сменада нормадаги 109 килограмм тола ўрнига 170—180 килограмм тола тайёрлаб, белгиланган норманы бир ярим баравар бажармоқда.

Хадича Тожибоева шу кунларда доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллик юбилейи вахтасида туриб кўтариқилик билан меҳнат қилмоқда. Ҳозирги пайтда Хадича 1970 йил ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқармоқда.

● *Тошкент бунёдкорлари*



11-баланд бинолар қуриш трестининг 69-қурилиш бригадаси бинокорлари Ленин кўчасида В. И. Ленин музейи филиалини жадал суръатлар билан бунёд этмоқдалар.
СУРАТДА: шу музей қурилишида фидокорона меҳнат қилаётган Петр Кастенко бошлиқ бригаданинг бир группа бинокорлари.
М. Нуриддинов фотолари.

ОЛИМ ҲИССАСИ

Бинокорлик материаллари саноати ниженерлари ғиштнинг сифатини янада яхшилаш устида бош қотирмоқдалар. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси геология ва геофизика институти катта илмий ходими М. Зокировнинг кузатишларига кўра, «гилмоя» ғишт сифатини тубдан яхшилар экан.

Куни кеча институтимиз Ўзбекистон қурилиш материаллари министрлиги қошидаги кон-геология идорасидан жавоб хати олди. Хатда айтилишича, 1967 йилда идора томонидан Қорақалпоғистондаги Беруний конидаги ғишт хом ашёси Беруний номли завод талабини қондираолиш-олмаслигини аниқлаш устида геология қидирув ишлари олиб борилди. Натижада бу хом ашё ғишт заводи талабига тўғри келмаслиги маълум бўлди. Ғишт заводини ёпиш хавфи туғилди. Аммо идора маъмурияти тушкунликка тушмади. Улар институт гилмоячи олими М. Зокировга мурожаат қилдилар. Мутахассис, ғишт хом ашёси сог тупроққа гилмоя қўшишни тавсия қилди. М. Зокировнинг кўрсатмасига кўра соғ тупроққа 15 процент ҳажмда гилмоя қўшилди. Шу аралашмадан лаборатория шароитида ғишт тайёрланди. Шундай қилиб, гилмоячи олим М. Зокировнинг тавсияси билан Беруний номли ғишт заводи узоқ йилларга етадиган яхши сифатли ғишт хом ашёсига эга бўлди. Олимнинг қўшган ҳиссаси шундай бўлди.

Қайд қилиш керакки, бошқа ғишт заводлари маъмурияти ҳам шу тўғрида ўйлаб кўришса, ғишт тайёрлашдаги чиқиндилар бир мунча камайган бўларди.

М. ҚОДИРОВ,
геология ва геофизика институтининг илмий ходими.

БИНО ҚАД РОСТЛАЯПТИ

Ғафур Ғулом номидаги кўчада яна бир бино қад ростлаяпти. 153-трест 34-қурилиш бошқармасининг Зиновый Литвак проработик қилаётган участка коллективи томонидан тикланаётган бу бино қийинлар ателъеси бўлади. Шу кунларда бино қурилиши жадал суръатларда олиб борилмоқда.

— Коллективимиз,— дейди бригадир Маҳмуд Каримов.— ойлик ва квартал планларини ҳар доим ошириб бажариб келмоқда. Аҳмаджон Эгамбердиев, Ҳожиқул Йўлдошев каби олов қалб ёшларимиз бригадамизнинг машъал ишчиларидандир.



Тошкентдаги офсет фабрикаси матбаачилари янги ўқув йили учун кўпгина янги дарсликлар нашр этмоқда.
СУРАТДА: корхонанинг пешқадам контролёри. З. Каримова дарсликлар сифатини кўряпти.

КОММУНИСТИК ВА ИШЧИ ПАРТИЯЛАР ХАЛҚАРО КЕНГАШИДА

Коммунистик ва ишчи партиялар халқаро кенгаши 14 июнда Москвада ўз ишини давом эттирди.

Финляндия Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси ўртоқ В. Песси раислигида ўтган эрталабки мажлисда Кенгаш Индонезия коммунистларига Мурожаат қабул қилди.

Кенгаш кун тартибида турган масалаларни муҳокама қилишда мажлисда Никарагуа социалистик партияси делегациясининг раҳбари ўртоқ Ф. Сантос, Сурия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг бош секретари ўртоқ Х. Багдаш, Реюньон коммунистик партиясининг бош секретари ўртоқ П. Вержес, Эрон Халқ партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари ўртоқ Р. Радманеш, Доминикэ коммунистик партияси делегациясининг раҳбари ўртоқ М. Сэнчес сўзга чиқдилар.

Кечки мажлисда Бразилия коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. К. Престес раислик қилди. Мажлисда яширин шароитда ишлаётган қардош партиялардан бирининг делегацияси раҳбари, Гондурас коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари ўртоқ М. Моралес, Гайяна Халқ прогрессив партиясининг лидери ўртоқ Ч. Жаган, Туркия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари ўртоқ Я. Демир сўзга чиқдилар.

Беш йиллик шахсий топшириқларини 1970 йил 22 апрелгача БАЖАРАЙЛИК!



ЁРУҒ ЮЗ БИЛАН

Шу кунларда корхонамизда мисли кўрилмаган юксак меҳнат кўтаринкилиги ҳукм суряпти.

Беш меҳнат ветераниниг Очиқ хат-мурожаатини заводимиз ишчи ва хизматчилари тўла қўллаб – қувватламоқдалар.

Мурожаатни муҳокама қилишда биринчи бўлиб сўзга чиққан тунукасозлар бригадасининг бошлиғи, кекса коммунист, Меҳнат Қизил Байроқ орденли Семен Макарович Ряботник қуйидагиларни гапирди:

— Улуғ Ватан урушида қатнашиб, ғалабагача жанг қилдим. Тинч меҳнат шароитида ҳам Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг аъзоси деган номни пок сақлаб хизмат қилиб келмоқдаман. 16 йилдан буён тунукасозлар бригадасига бошчилик қиламан.

Бригадамизнинг 11 аъзоси билан маслаҳатни бир жойга қўйдик. Ҳаммамиз ҳам шу кунларда 1970 йил ҳисобига маҳсулот топширмоқдамиз. Доҳий юбилейини ёруғ юз билан кутиб олиш мақсадида бутун бригадамиз бўйича беш йиллик топшириқни 1970 йил 22 апрелгача бажариб, 6 ёш ишчига ҳунар ўргатишга қарор қилдик.

Коммунистик меҳнат зарбдорларидан Анна Камендровская, Максуда Тўлаганова, Илья Гетманский бошлиқ тунукасозлар цехининг коммунистик меҳнат зарбдорлари — комсомол Равшан Пўлатов, Қобил Эгамбердиев ва коммунист Одил Раҳимов бошлиқ коммунистик меҳнат бригадасининг ҳамма аъзоси якдиллик билан ўз зиммаларига оширилган социалистик мажбурият қабул қилишди. Беш йиллик шахсий топшириқларини 1970 йил 22 апрелгача бажарган ҳолда ҳар бир бригада ўнтадан, ишчи кадрлар эса, бигтадан ёш ишчига ҳунар ўргатишга қарор қилдилар.

Н. ҚУДРАТИЛЛАЕВ,
хўжалик буюмлари заводи меҳнат ва ишҳақи бўлимининг бошлиғи.

Графикдан ўзиб

«Дўстлик» посёлкасидаги 2-тикувчилик фабрикасида тайёрланаётган эркаклар кўйлаги, ўқувчилар формаси, боғча ва ясли ёшидаги болалар кийими харидорларга манзур бўляпти.

Бугун

чеварлар июнь ойининг 15 кунига якун ясадилар. Натижа сифатли кийим тайёрлаш ва реализация қилиш бўйича беш йилликнинг тўртинчи йили ва доҳий Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги шарафига қабул қилинган оширилган мажбурият шараф билан адо этилаётганини кўрсатди.

Чеварлар шонли санага ажойиб туҳфалар тайёрлашмоқда. Ўтган йили тежалган 25 минг квадрат метр газламадан 10 минг кишига қўйлак тикилган эди. Бу йилги кўрсаткичлар ҳам чакки эмас. Ярим йиллик маҳсулот реализация қилиш плани роса беш ойда 1 миллион 55 минг сўмлик ўрнига 1 миллион 61 минг сўмлик қилиб адо этилди.

— Бундай кўрсаткичларга меҳнатни тўғри ташкил этиш, қўл меҳнатини механизациялаштириш, ихтиротчилик таклифлари ҳамда янги ускуналарни ишлаб чиқаришга жорий этиш туфайли эришилмоқда,— дейди фабрика директори С. И. Бабаянц.

Масалан, ҳар бир тикувчилар бригадасидаги машиналарга учтадан ёритиш асбоби, ёқа ва енг манжетларини босадиган ҳамда дазмоллайдиган «СПВ—1М» станогининг ўрнатилганлиги меҳнат унумдорлиги ва буюмлар сифатини ошириш имконини берди.

Коллектив учинчи кварталда 538 минг сўмлик кийим-кечак тайёрлашни планлаштирган. Ҳозир графикдан бир ой илгарилаб кетилди. Июнь ойига мўлжалланган 148 минг сўмлик ўрнига ҳозиргача 244 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва реализация қилинди.

Фабрикадаги учта тикув цехининг чеварлари ленинча вахтада туриб, ўзаро социалистик мусобақа асосида меҳнат қилмоқдалар. С. Гопалида, Э. Халилова бошлиқ бригада аъзолари доимо аъло сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш билан топшириқларини ошириб бажармоқдалар. Бир кунда чоҳдан чиқаётган икки минг кийимнинг 50 таси планга қўшимча тайёрланмоқда.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ГИБРАЛТАР УЧУН КУРАШ

Англия билан Испания ўртасида Гибралтар учун кураш тобора кескин тус олмоқда. Инглиз газетаси «Санди телеграф»нинг хабар қилишича, испан-гибралтар чегарасининг ёпилганидан сўнг Мадрид Гибралтарни қон тўкмай босиб олиш ҳаракатларини планлаштирмоқда.

Газетанинг кўрсатишича, Испания чегарасидан икки миль ичкарида «Ўн беш минут ичида инглиз гобларини босиб ўтишга қодир бўлган» танк қўшилмалари тўпланган.

УТА ВАҲШИЙЛИК

Жанубий Африка ҳукумати сиёсий махбусларни вахший қийноқлар билан азобламоқда. «Санди таймс» газетаси бу ҳақда гувоҳлик беради. «68 ёшли Габриэль Мбиндини,— деб ёзади газета,— қўлидаги кишани билан водопровод трубасига осиб қўйишди, сўнгра қамчин билан унинг бошига савалашди... Шу йилнинг 10 мартида Лесотолик 35 ёшли Джеймс Ленкоени ка-

ОҚ ҲУЖУМ

Перу Коммунистик партияси Марказий Комитетининг секретари ва ПКП босма органи — «Унидад» газетасининг редактори Марио Угарте ёлғон-яшиқ айблар билан қамоққа олинди. Перунинг таниқли демократик арбобига нисбатан бу ўзбошимчалик кенг жамоатчиликнинг норозилигига сабаб бўлмоқда.

САФАР ТУГАЛЛАНДИ

ЧССР ташқи ишлар министри Я. Марконинг Германия Демократик Республикасига қилган икки кунлик расмий визити тугади. Шу муносабат билан эълон қилинган ҳужжатда ГДР ва ЧССР ўртасидаги анъанавий дўстлик муносабатлари ҳар икки мамлакатга ҳам наф келтираётгани ва бу дўстлик тобора мустаҳкамланиб бораётгани қайд қилинади.

мерада оғирлик ҳолда топдилар. Суд-медицина экспертлари унинг танасидан электр токи билан берилган азоб изларини топганлар.

СОХТА АЙБ БИЛАН

Қурилишда янги техника

ЯҚИНДА СССР ГОССТРОЙИ ҚУЙИДАГИ ЯНГИЛИКЛАРНИ ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИГА ТАВСИЯ ҚИЛДИ.

Декоратив безак

Заводларда тайёрланаётган стенд панеллари юзасига рангли бетон билан гул босиш мумкин. Бу сув сочиш воситаси билан 3—5 атмосфера босимда амалга оширилади. Пульверизаторлар билан турли ранглар берилади. Бундай безак арзон, енгил ва ортиқча ҳаражат талаб қилмайди.

Қовурғали плиталар

Саноат бинолари қаватлар орасини бирлаштириш учун 12 метрли колонкаларга қовурғали плиталар ётқизилади.

Бунинг учун йирик панелли плитага сим ўралган арматура пайвандланади. Ҳажми 3х12 метрдан иборат бўлган панель қобирғасининг баландлиги 600, узунлиги 315 миллиметрдан иборат бўлади. Бунда «500» маркали бетон ишлатилади. Плиталар ишлатилганига нисбатан арматуралар қўлланганда 30 процентдан кўпроқ пўлатни тежаш мумкин.

Унумли станок

Минутига 0,8 метрга қадар арматура каркас тайёрлайдиган станокни бир киши бошқаради. Арматуранинг устига қайтадан ишлов берилмайди. Каркаснинг максимал размери айланаси 450х450 миллиметр, узунлиги 16 метрдан иборат. Станок жуда содда, қулай. Темир-бетон буюмлари заводлари ўз кучлари билан тайёрлаши мумкин. Яқинда «Оргтехстрой» шундай станок чертёжларини олди.





Имтиҳонлар бошланди

Тошкент Давлат университети сиртқи бўлимига кирувчи абитуриентлар имтиҳон топшира бошладилар.
ЧАПДАГИ СУРАТДА: дорилфунуннинг тарих ва ҳуқуқшунослик факультетига кирувчилар адабиётдан ниш ёзишмоқда.
ЮҚОРИДА: имтиҳон қабул комиссияси (чапдан ўнгга) Бегали Қосимов, Фадхиддин Насриддинов, Очил Тоғаев.
Н. Муҳаммаджонов ва Ж. Раззоқов фотолари.

● *Пойтахтимиз меҳмонлари*

БИРОДАРЛАШГАН ШАҲАР ВАКИЛЛАРИ

Бирлашган Араб Республикасининг Асвон шаҳар губернатори Амин Омар (делегация бошлиғи), араб социалистик иттифоқи губернаторлигининг бош секретари Али Хогали, шаҳар уй-жой қурилиши бўлимининг мудири Нагиб Азаб, инженер Абдел Ҳамид Мумтозлардан иборат делегация Ўзбекистонда бир неча кун меҳмон бўлишди.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси Х. Асомов ҳурматли меҳмонларни қабул қилди ва уларга шаҳарнинг ҳаёти, қурилиши, хўжалик ишлари ҳақида гапириб берди.

Меҳмонлар Чирчиқ шаҳрида ҳам бўлдилар. Маълумки, республикамиздаги бир қатор шаҳарлар жаҳондаги кўпгина шаҳарлар билан биродарлаштирилиб, дўстлик алоқалари ўрнатилган. Чирчиқ шаҳри Асвон билан биродарлашган. Икки шаҳар ўртасидаги муносабатлар ривожланиб боряпти.

Асвонлик меҳмонлар Тошкент тўқимачилик комбинати, халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаси, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида бўлиб Ўзбекистон ҳаёти билан танишдилар.



АҚШ университетлари ва коллежларининг студентлари маориф системасини демократлаштиришни талаб қилмоқдалар. Уларга қарши ҳукумат полиция ва миллий гвардия солдатларини ташлади.
СУРАТДА: миллий гвардия намойишчиларни қўллаб-қувватлаётган Калифорния университети студентларининг йўлини тўсмоқда.
ЮПИ—ТАСС фотоси

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

СИЁСИЙ АХБОРОТ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК

«Ташсельмаш» заводи партия ташкилоти сиёсий ахборотнинг турли формаларидан фойдаланади. Заводда, шаҳарда, мамлакатда ва чет элда бўлаётган воқеалар эълон қилинади. Бу материаллар «Ташсельмашевец» кўп тиражли газетаси, деворий газеталар, кўргазмали агитация воситалари ва завод радиоузели орқали оммага етказилади. Шунингдек, лекторлар кизил бурчак ва завод клубида сўзга чиқиб турадилар. Иқтисодий ва халқаро масалаларда сиёсий ахборотлар ҳам берилади.

Заводда Ленин ўқувлари олиб борилмоқда. Бу ерга ленинча жумаликда иштирок этгани партия ва совет раҳбар ходимлари келишган. Ишчи ва хизматчиларга, маъмурий ходимларга ҳуқуқ ва совет қонунлари соҳасида тушунтириш олиб борилган.

Бундан ташқари, ишчи ва хизматчилар партия, касаба союз ва комсомол йиғилишларида цех, бригадалардаги янгиликларни билиб турадилар.

Четдан қараганда ҳамма нарса яхшидек кўринади. Лекин чуқурроқ анализ қилиб кўрсангиз, сиёсий ахборот бугунги кун вазифаларидан анча орқада қолаётганлигини кўрасиз. Аввало ахборотларнинг савияси юксак эмас. Иккинчидан, унинг кўлами ҳам тор.

Завод коллективининг беш ойда эришган натижаси қуйидагича: пахтакорларга «Узбекистон» машинаси белгиланганидан 90 та ва уларга мўлжалланган эҳтиёт қисмлари белгиланганидан 102 минг сўмлик кам жўнатилди. Шаҳардаги айрим корхоналар заводда қуйиб тайёрланган деталларни етарли ола билмадилар. Бу эса корхона планининг бажарилишига салбий таъсир қилди.

Заводнинг кўпгина ходимлари бунга қишнинг қаттиқ келиши, ишчи кучининг етишмаслиги сабаб бўлди демоқдалар. Бизнингча, асосий сабаб интизомнинг бўшашиб кетганида. Ишчиларнинг прогул қилиши, ишдан тез бўшаб кетиши одат тусига кириб қолган. Кадрлар бўлимида бўлиб киши ишдан бўшаётганларнинг ҳужжатини тўғрилаб ўтиради. Шунингдек, барча цехларда янги одамлар ишга олинаверади. Кўпинча цехларга ҳушёрхона ва милициядан хабар келиб туради. Интизом бузувчилар орасида, ҳатто, коммунист ва комсомоллар ҳам учраб турадн.

Агитатор, сиёсий ахборотчи, партия ва хўжалик раҳбарларининг сўзи худди шундай танбеҳга муҳтож бўлган одамларга ўтмайди. Агар цехда иқтисодий ва умум сиёсий мавзуда лекция ўқилаётган бўлса, уни ўн фоиздан ортиқ ишчи тингламайди. Сиёсий ахборотчи лекция ўқиганда ҳам тингловчилар сони бундан ортмайди.

Беш кунлик иш ҳафтасига ўтиш муносабати билан цехларда тушлик 30—40 минутгача камайтирилган. Бу давр мобайнида ишчилар овқатланиши, сиёсий ахборотчи эса уларга ўз гапини айтиб қолиши керак? Бу, албатта осон эмас, кўпинча мумкин ҳам эмас. Хўш, нима қилиш керак? Агитация ишларини смена бошланишдан олдин ёки тамом бўлгандан кейин ўтказиш лозим. Бундан ташқари, агар ҳаммани тўплаш учун жой торлик қилса, коммунистлар ва агитаторлар ишчилар билан бригада ва цехларда, ётоқхоналарда алоҳида суҳбатлар ўтказиши керак. Завод ва цех партия ташкилотлари бир хатога йўл қўйганлар. Улар агитацияни ахборот билан ва агитколлективларни сиёсий ахборотчилар билан алмаштириб юборганлар. Ҳолбуки агитколлективлар билан биргаликда сиёсий ахборотчилар группаси ҳам ҳаракат қилиши мумкин ва лозим. Ахборотнинг ўзи сиёсий агитация базасидир. Бу нарсага жиддий қараш керак. Ҳозирги пайтда агитацияни шундай ахборот базасида ўтказиш керакки, бу база одамларни коммунистик руҳда тарбиялаш, уларнинг ҳар бир масалага тўғри муносабатда бўлиши, ички ва халқаро ҳаётга жиддий қарашга ўрганишини тарбиялаш лозим.

Ҳозирги пайтда барча сиёсий агитацияни кенг ва муттасил ўтказиб турадиган ахборот асосига қўйиш керак. Завод партия ташкилоти бунга эришган эмас.

Партия ташкилотининг секретари П. А. Юсупов билан суҳбатлашдик. У идеология ишлари бўйича ўринбосари, меҳнат ва иш ҳаки бўлимининг бошлиғи Л. Б. Бенкенштатга мурожаат қилишимни тавсия этди. Ўртоқ Бенкенштат ўз-ўзига танқидий муносабатда бўлиб, сиёсий ахборотчиларнинг икки группасида 32 киши борлигини, шунингдек, яна 20 киши «резерв»да турганлигини айтди.

— Шулардан қанчаси ишлаяпти?

— Ярми.

Агар: «Учдан бир қисми ҳам ишлаётгани йўқ.» — дейилса, янада тўғри бўлур эди. Биз кейинчалик цехларда бўлганимизда бунга ишонч ҳосил қилдик.

Леопольд Борисович энг яхши сиёсий ахборотчиларнинг исмини айтди. Булар сиёсий-маориф кабинетининг мудири Самсонов, 11-цехдан Шалягин, 15-цехдан Муравьев ўртоқлар экан. Лекин биринчи, тўртинчи, бешинчи, ўнинчи ва 5ошқа цехларда аҳвол ёмон.

Биринчи, қуюв цехига кирамиз. Айниқса, кўп брakка йўл қўядиган, планни бажара олмайдиган цех шу.

— Агитатор ва сиёсий ахборотчилар нималар қилишяпти? — деб сўрадик цех партия ташкилотининг секретари Максуд Калимулиндан.

— Бизда бундайлар йўқ, — деди у ростгўйлик билан.

— Сизларда интизом яхши бўлса керак?

— Қўйсангиз-чи, ўшаниси яхши эмас-да...

Цехда интизомсизлар оз эмаслиги маълум бўлди. Булар орасида Рохальский, Шершнев, Чекменев каби коммунистлар ҳам бор экан. Чекменев, ҳатто, хушёрхонага ҳам тушган. Орадан анча вақт ўтган бўлса-да, партия бюроси унинг ишини муҳокама қилмаган.

Партия бюроси ва йиғилиши цехдаги интизом масаласини кўрмаган. Бу ерда «Молния»лар чиқарилмаган. С. Макеев раҳбарлигидаги цех касаба союз комитети мусобақага гамхўрлик қилмаган. Қуювчилар қабул қилган шахсий мажбуриятлар бир-бириникидан фарқ қилмайди. «Социалистик мажбурият» бланкасида модель участкасининг токари Абдумавлон Ашуров (ёки унинг ўрнига кимдир) беш пункт: ишлаб чиқариш топшириғини 105 процент бажариш, ўз билимини ошириш, брakка йўл қўймаслик, иш жойини ва жиҳозларини озода сақлаш, жамоат ишларида актив қатнашиш ёзиб қўйган.

Агар планни бажариш рақамидаги фарқ ҳисобга олинмаса, цехдаги 269 ишчининг, деярлик, ҳаммаси худди шу мажбуриятларни олишган.

— Мажбуриятлар қандай бажарилятти?

Цех касаба союз комитетининг аъзоси Сергей Корчагин бу саволга жавоб бера олмади. Цехкомда шахсий мажбуриятлар бажарилишини текширувчи хужжатлар йўқ. Цех кўрсаткич тахтаси, жанговор кўргазмали агитация мавжуд эмас.

Шуни айтиш керакки, қуюв цехида партия бюроси жуда суст ишламоқда. Унинг аъзолари ўртасида актив коммунистлар кам. Улар бир-бирларига талабчанлик билан қарамайдилар. Партком эса буни эътиборга олмайди.

Биз илғор ўн бешинчи цехдамиз. Бу ерда кўргазмали агитация янгидан йўлга қўйилган. Ҳамма кўрсин деган ниятда ўртоқлик судининг қарори осиб қўйилган, кўрсаткичлар тахтаси тўлдириб борилади. Прогулчиларга шафқат қилинмайди. Ишга кечикканлар мукофотдан маҳрум бўлади, отпускаси ҳам қишга қолдирилади. «Молния»лар чиқарилиб турилади.

Шунга қарамай, цех прогулчилар айби билан ой сайин 260 иш кунини йўқотмоқда. Демак, сиёсий агитация янада кескинроқ бўлиши керак.

— Агитатор ва сиёсий ахборотчиларингиз кимлар? — сўрадик цех партия ташкилотининг секретари Эдуард Подносдан.

— Вадим Иванович Мельников. Бу одам сиёсий ахборотчиликда чинакам обрў қозонди.

— Бир ўзими? Цехда неча киши ишлайди?

— Бир ўзи. Цехда 705 киши ишлайди.

— Неча киши ахборот эшитади?

— 30-40 киши.

— Қолганлар-чи?

Демак, коммунистлар кишиларга яхши таъсир қила олишмаяпти. Мастер ўртоқ Анорбоев бошчилигидаги участкада уч ой мобайнида ҳар ўн кишидан 9 киши прогулчи бўлган. Файзуллаев ва Манаев ўртоқлар бошчилигидаги участкаларда эса битта ҳам прогулчи йўқ. Демак бу ерда мастерлар чинакам коммунистлар. Лекин партия ташкилоти уларнинг тажрибасини оммалаштирмаяпти. Мастерларни тарбиявий ишларга, айниқса, ёшлар тарбиясига яхши жалб қилмаяпти.

22-йигув цехида 300 киши ишлайди. Агитатор ва сиёсий ахборотчилар йўқ. Цех партия ташкилоти секретарининг ўринбосари Людмила Варская қатъий шундай дейди:

— Уларнинг кераги ҳам йўқ. Бусиз ҳам ишчиларимиз саводли. Газета-журнал ўқийди, радио эшитади, телевизор кўради. Цехда лекция ўқиш бўлиб туради. Кўпинча халқаро темаларда лекциялар ўқиладн.

Энг муҳим нарса—тарбия ишига бундай қараш яхши оқибатларга олиб келмайди. Ишлаб чиқаришда ютуқни қўлга киритиш учун идеология ишларининг мақсадга мувофиқлиги, нақадар муҳим аҳамиятга эга эканлигини унутмаслик керак.

«Ташсельмаш»да партия ташкилоти улкан ва қудратли. Бу ташкилот агитация ва ахборотни ташкил қилишга қодир. Бу эса шонли коллективнинг ишлаб чиқаришда янги ғалабаларга эришишининг гаровидир.

Р.ПЛУНГЯН.



МОСКВА. Шчербаков номидаги ипак тўқиш комбинатининг коллективи бу йил Туркия ва Австрияда бўлиб ўтадиган халқаро ярмаркаларда намойиш қилиш учун 30 га яқин турдаги газламаларни тайёрламоқда. Уларнинг орасида совет харидорларига маъқул бўлган «Ялта», «Кармен», «Диана», «Суздаль» газламалари бор.

СУРАТДА: маҳсулотлар цехининг назоратчиси Надежда Коснова ярмаркалар учун мўлжалланган газламаларни сараламоқда. В. Кунов фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

230 МИНГ СЎМ ФОЙДА

Тўқилган пахтани терадиган машиналарнинг ишчи секцияси блокларини тайёрлаш «Узбексельмаш» заводи зиммасига юклатилган. Илгари бу блоклар Душанбедаги «Трактородеталь» заводидан кооперация тартибида келтирилар эди.

Завод ишчиларининг ташаббуси билан ана шундай блокларни ишлаб чиқариш учун катта тайёргарлик ишлари олиб борилди. Жумладан, техникавий ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Блокларни тайёрлаш бўйича барча ишларнинг технологик жараёнлари тузилди, жиҳозларнинг чизмалари тайёрланди. Бундан ташқари, ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган барча вазифалар аниқлаб олинди.


Янги участканинг ишга туширилиши муносабати билан корхонада йилига 230 минг сўмлик фойда кўрилади.

Совет Иттифоқи БЎЙЛАБ

Ленинград турбиналари

ГАЗОПРОВОДЛАР учун Совет Иттифоқида ишлаб чиқарилаётган газ турбиналари қурилмаларининг катта қисми Ленинградда, В. И. Ленин номидаги Нева машинасозлик заводида тайёрланади. Ставрополь—Москва, Бухоро — Урал, Ўрта Осиё — Марказ каби магистрал газопроводлар ҳам ана шундай қурилмалар билан жиҳозланган. Ленинградликлар яратган агрегатлар жаҳоннинг энг машҳур фирмалари ишлаб чиқарадиган маҳсулотлардан ҳеч қолишмайди.

Ҳозир заводда Эронда қурилаётган газопровод учун буюртмалар бажарияпти. Ҳар бири ўн минг киловатт қувватли 15 та газ турбинаси тайёрланади. Турбиналарнинг лойиҳаси ҳам завод конструкторлик бюросида ишлаб чиқилган. Янги турбиналарнинг ҳажми илгаригидек қолган бўлса ҳам, қуввати икки баравар кўп бўлади. Йил охиригача барча буюртмалар ўз эгасига етказиб берилади.



СУРАТДА: Эрон газопроводи учун тайёрланаётган ўн минг киловатт қувватли турбинани йиғиш пайти.

В. Целик фотоси, (АПН).

ЛЕНИН ВА УРАЛ

ЎРТА Уралнинг пўлат магистралларни бўйлаб «Ленин ва Урал» агитпоезди сафар қилмоқда. Унинг минг километрли рейси Уралнинг Колчакдан озод қилинганига 50 йил тўлишига бағишланади.

Поезд маршрутига оқ гвардиячилар билан жанг қилинган тарихий ерлар, қизил отрядлар ташкил этилган шаҳар ва ишчилар посёлкалари киритилган. Нижне Тагилъ, Серов, Алапаевск йирик саноат марказлари шулар жумласидандир.

Одатдан ташқари бу поезднинг йўловчилари — кекса большевиклар, граждалар ва Улуғ Ватан урушларининг қатнашчилари ва лекторлар. Улар шаҳар ва ишчилар посёлкаларида тўхтаганларида меҳнаткашларга В. И. Ленининг ҳаёти ва фаолияти ҳақида, совет кишиларининг Ватанимизни ҳимоя қилишда кўрсатган қаҳрамонликлари ва халқаро аҳвол ҳақида лекциялар ўқийдилар.

«Ленин ва Урал» поезди бир ой йўлда бўлади.

Бешйиллик илҳомлари

ИШОНЧНИ ОҚЛАЯПТИ

БАХТИЁРНИНГ қувончидан юзларида табассум пайдо бўлди. Коммунистик меҳнат зарбдори! Бахтиёр Халиловнинг қувонишга ҳаққи бор. Нега қувонмасин! Шарафли меҳнати тақдирланиб, унга коммунистик меҳнат зарбдори номи берилди. Бахтиёрнинг эндигина бошлаган меҳнат дафтарчасини варақлаган киши унинг меҳнатидан рози бўлади.

Б. Халилов 1966 йили 1-ўрта мактабни аъло баҳолар билан битиргач, унинг олдида икки йўл турарди. Ўқиш ёки ишлаш керак эди. У баъзи ёшлардай довдирамасдан, ўзининг қобилиятига яраша иш тутди. Ўқиб ишлаш йўлини танлади. Бу эзгу ният уни Тошкент алоқа институтининг кечки бўлимига етаклаб келди. Кундузи «Ўзбекистон» мебель ва ёғочсозлик бошқармасига қарашли тажриба-техника базасида слесарь бўлиб ишлади. Иш жараёни тажрибасиз Бахтиёрни анча қунгача қийнади, заҳф томонларини кўрсатиб берди. Шунга қарамай, Бахтиёр тез орада яхши кўрсаткичларга эришди.

Тиришқоқ, камтар йигитнинг қобилиятини сезган база раҳбарлари уни слесарликдан мастерликка кўтардилар. Инсоннинг камолоти меҳнатда, дейди халқимиз. Жамоатчилик ишида, ишлаб чиқаришда жон куйдирган Б. Халилов кўп ўтмай цех бошлиги қилиб тайинланди. Жамоатчиликнинг ишончи ва беминнат ҳурмати Бахтиёрни янада дадиллантирди. Меҳнатдаги ютуқларини мустаҳкамлашга замин яратди. Иш нормасини 120—125 процентдан бажариб юрган оддий кунларнинг бирида унга коммунистик меҳнат зарбдори номи берилди.

—Энди,— дейди Б. Халилов,— Коммунистик меҳнат коллективи, деган шарафли номни олиш учун чинакамига бел боғладик.

А. РЎЗИЕВ.

Сифатга эътибор бериб...

«Беш йилликнинг тўртинчи йилида иш сурътини янада ошириб, кўплаб сифатли уйлар қуриб берамиз! Доҳиймиз Владимир Ильич Ленининг шонли юз йиллик тўйини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб оламиз!»

4-трест, 4-қурилиш бошқармасига қарашли Виктор Висин прораблик қилаётган участка қурувчиларининг шиори ана шундай. Улар айни кунларда Куйбишев районининг Луначарский шоссесида турар жой бинолари қуришда бошқаларга ўрнак бўлмоқдалар.

Бу ерда Нурмат Абдуллаев бошчилик қилаётган комплекс бригада аъзолари меҳнат қилмоқдалар. Илғорлар бу шарафли номни оқлаш учун сурьат билан бир қаторда ишнинг сифатига ҳам алоҳида эътибор бериб келмоқдалар. Бажарилган ҳар бир иш ўз вақтида назорат қилиб турилади. Айниқса қаватлараро ёпиладиган панеллар ва плиталарни бир-бири билан пайвандлашга, плиталар ва панеллар орасидаги чокларнинг махсус қоришмалар билан тўлдирилишига алоҳида эътибор берилмоқда.

Дастлабки даврларда йирик панеллардан қурилган уйларда кўп ҳолларда ташқи девор плиталар орасидаги вертикаль ва горизонталь туташадиган жойларда иссиқлик изоляцияси етарли бўлмаслиги ва ёмғир сувларини чоклар орасига оқиб-тушиш ҳоллари тез-тез учраб турарди. Ҳозир эса бу камчиликларга барҳам берилмоқда.

— Коллективимиз,— дейди Виктор Висин,— бу йил ҳам янги-янги ютуқларни қўлга киритмоқда. Май ойида план бўйича 53 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилиши лозим эди. Коллективимиз эса 65 минг сўмлик ишвари ни бажарди.

Ғайратли бинокорлар тўрт қаватли 72 квартирали турар жой биносини тез ва сифатли қуриб фойдаланишга топшириш учун ғайрат ва шижоат билан ишлаб ,планларини муттасил ошириб бажаришга эришмоқдалар. Бригадада тўрт сун Умаров, Ойнигул Гезатева, Зиёвуддин Жўрақулов, Марзия Ҳамроева каби илғорлар сони кун сайин ортиб бормоқда. Улар кунлик нормаларини 100—105 процентдан бажариб бошқаларга намуна бўлмоқдалар.

Б. РАВШАНОВ.



Тошкентдаги «Подшипник» заводининг меҳнат аҳли халқ хўжалиги учун турли хил подшипникларни ишлаб чиқарувчи ихтисослашган корхоналардан бири.

СУРАТДА: завод техника контроли бўлимининг контролерларидан Зина Ҳолиқова ва Соня Абдуллаева тайёр маҳсулот сифатини текширмоқдалар.

«ЖАЖЖИ КИТОБХОНЛАР ДАРГОҲИ»

ШАҲРИМИЗНИНГ Киров районидаги 3-болалар кутубхонасининг ташкил этилганига тўрт ой бўлишига қарамасдан у жажжи китобхонларнинг севимли жойига айланиб қолди. Кутубхона мудираси Рихси Отабекова доимо столлар устига кичкинтойларга оид суратли газета ва журналларни муҳайё қилиб қўяди.

Кутубхонада ташкил қилинган Ленин бурчагидаги «Ленин биз билан», «Ленин барҳаёт». «Ленин мангу яшайди» каби кўргазмалар сермазмунлиги билан ажралиб турибди.

В. АЗИМОВ.

◆ *Элга хизмат — олий ҳиммат*

ЁШЛАР ҒАЙРАТИ

ЯНГИ оила қураётган ёшларнинг никоҳини қайд этадиган қутлуғ хонадон — «Бахт уйи» маъмурияти уйланаётган йигит-қизнинг турмушини ҳар жиҳатдан мустаҳкамлаш учун барча қулайликларни яратишга эътибор беради. Чунончи, янги оила учун янги рўзғор буюмлари керак. Келин-куёв уларнинг ҳаммасини олиш учун жуда кўп магазинга бориши лозим. Лекин бу ерда ундай эмас. «Бахт уйи» қошида янги никоҳда бўлганлар учун алоҳида «Бахт» магазини ишлаб турипти. Магазинда оилага керакли ҳар хил анжомларни сотиб олиш мумкин. Кийим-кечак, кўрпа-ёстиқ, идиш-товоқ, уй жиҳозлари ва хоказолар янги оила хонадонига зийнат бўлади. Шунингдек, бу магазинда зарур нарсани исталган вақтда топиш имконияти яратилган.

— Харидоримизга керакли нарса магазинимизда ўша вақтда бўлмаса, биз унинг заказини ва уй адресини ёзиб олиб қоламиз. Сўнг ўша молларни тегишли жойдан келтириб, харидорга маълум қиламиз,— дейди магазинининг бўлим мудири Тўхтасин Акбаров.—умуман, биз юксак савдо маданияти учун кураш олиб борамиз. Айниқса, харидорлар билан муомалани ўрнига қўйиш муваффақиятимиз гаровидир. Шунинг учун ҳам доим квартал ва ойлик планларимизни ошиғи билан бажаришга эришяпмиз. Масалан, ўтган йилги товар оборот планимиз 106 процент адо этилган эди. Шу йилнинг биринчи квартал топшириғини эса бир ҳафта олдин 100 процент бўлди. Коллективдаги 43 кишининг 30 дан ортиғи комсомол-ёшлардир, йигит-қизларимизнинг ҳаммаси ҳам меҳнатсевар.

Биз сотувчи ва харидорнинг ўзаро муомаласини кузатдик. Ана, ёшгина жувон кириб келди. Сотувчи қиз уни илliққина қарши олиб хизматга чоғланди.

— Палантин рўмол (яъни шарфнинг бир хили), кўйлак керак эди,— деди харидор.

— Марҳамат, мана, қанақа размеридан?

— 46.

Жувон харид қилиб, кейин чинни идишлар, сумка ва эркаклар костюмларидан ҳам сотиб олди. Ҳушмуомала савдо ходимларидан бехад хурсанд бўлиб дўкондан чиқди.

«Шикоят ва таклифлар» дафтарини кўздан кечирамиз.

«Магазин сотувчилари Умаров, Акбаров, Николаева, Ермяшева ва Бройтман ўртоқларнинг гоят маданиятлилик ва жуда ҳушмуомалалик билан савдо қилганликлари бизда яхши таассурот қолдирди ва бунинг учун уларга чин қалбдан миннатдорчилик билдирамиз.

Файнгольд ПЕТРОВА, Шота Руставели кўчасидаги 11/17-уйда яшовчилар».


Ҳа, коллектив шаънига доғ туширмай, шуҳратига шуҳрат қўшаётган комсомол аъзолари Тамара Трушина, Баҳодир Восиқов, Дамира Норхўжаева, Мавлуда Аҳмедова. Озода Алихўжаевалар коллективнинг фахри бўлиб қолдилар.

«Бахт»нинг бахт зийнатчилари қилаётган ажойиб ишлари бизда ҳам илиқ таассурот қолдирди.

С. ЖУРАЕВ.

МАМЛАКАТ ҚУРИЛИШ ХАБАРЛАРИ

БЕШ йилликнинг муҳим қурилишларидан бири — Магнитогорск металлургия комбинатининг «2500» совиқ прокат стани ишга тушиш арафасида турибди. Бу стан Тольятти шаҳрида қурилаётган Волга автомобиль заводи учун юқори сифатли юпқа металл етказиб беради. «2500» станининг ишлаб чиқариш жараёнлари максимал механизациялаштирилган ва автоматлаштирилган.



СУРАТДА: «2500» прокат стани иссиқлик бўлимининг қопқали печлари қуритилмоқда.

Б. Клипинцер фотоси, (ТАСС фотохроникаси)

ИЗЛАНИШ САМАРАСИ

Социалистик реализм руҳи билан суғорилиб, янада улкан муваффақиятларни қўлга киритган театр санъатимиз билан бирга, қадам-бақадам йўл босиб, янгича совет театршунослик фани ҳам ривожланиб келди. Бу мураккаб, специфик хусусиятларга эга бўлган фаннинг олдида ўзга актуал масалалар билан бир қаторда янгича театр санъатимизнинг тарихини яратиш, у эришган муваффақиятларни атрофлича ўрганиб, кенг пропаганда қилиш, халқларимизнинг қадимий театр маданиятини синчиклаб ўрганиш ва унинг энг муҳим ва ажойиб томонларини илмий равишда аниқлаб чиқиб, халқимизга инъом этиш ҳамда замонавий театримизни янада ривожлантириш борасида улардан ўрни-ўрни билан фойдалана билиш каби муҳим вазифалар ҳам турибди.

Халқларимиз қадимий театр маданиятини ўрганишда ўзбек санъатшунослари, театршуносларимузикашуносларидан ҳам катта ишлар қилиб келмоқдаларки, бу ишлар умумсовет театршунослик фанини янада ривож топишига яхши хизмат этмоқда. Бу ўринда биз Ўзбекистон ССР Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий номидаги илмий-текшириш санъатшунослик институти ҳамда А. Островский номли Тошкент театр ва рассомчилик институти илмий ходимлари олиб бораётган изланишларни ва илмий-текшириш ишларини яна бир бор қайд қилиб ўтмоқчимиз. Масалан, Ҳамза номидаги санъатшунослик институти театр бўлимининг бошлиғи, санъатшунослик фанлари доктори Мамажон Раҳмонов ўзининг кўп йиллик мураккаб илмий-изланиш ишида, ўзбек театри мамлакатимиздаги халқларнинг қадимий театр маданияти орасида энг қадимийларидан биридир деб эълон қилди. Европа билан Осиё ўртасидаги дунё саъдо йўли Ўрта Осиё орқали ўтган ва бу ўз навбатида Шарқ ва Ғарб давлатлари — Юнонистон, Рум, Чинмочин, Эрон, Ҳиндистон каби мамлакатлар билан иқтисодий ва маданий алоқаларини ўрнатишга энг қулай шароитлар яратиб берган... Ўша давларнинг ўзидаёқ Юнонистон ва бошқа давлатлар халқлари ўзларининг профессионал театр санъатига эга эдилар... Яқинида 2500 йиллигини нишонлайдиган Самарқандининг нооб қадимий қазилмаларини (турли расмли вазалар, ўймакорлик санъати-ла ишланган ҳар хил идишлар қолдиғи) ва ўлкамиздаги бошқа қадимий ёдгорликлар намуналарини синчиклаб кўриб чиқарканмиз, улардан театр санъатига хос бўлган ҳатти-ҳаракатлар билан тасвирланган одамларга, қизиқчилар, актёрлар, уйинчилар ва ҳоказо) кўзимиз тушади...

Сўнгги йилларгача Совет Шарқининг қадимий театр маданиятини атрофлича ўрганиш масаласи эътибордан анчагина четда қолиб келди. Шу жумладан XVIII асрдан XX аср аввалигача бўлган ўзбек театр маданиятининг тараққиёти, йўллари тарихи ҳам яхши ўрганилмади.

Охирги йилларда бу жиддий масалани ҳал қилишга ўзбек театршунослари (санъатшунослар, музикашунослар, адабиётшунослар) тарихчиларнинг бевосита ёрдами билан самарали ишлар қилабошладилар. Бу соҳадаги биринчи мураккаб илмий иш ва биринчи қалдирғоч — китоб ҳам театршунос олим Мамажон Раҳмоновнинг қаламига мансуб бўлиб, «Фан» нашриёти томонидан босилиб чиқди ва китобхонларга тақдим этилди.

М. Раҳмоновнинг «Ўзбек театри тарихи» китоби асосан уч бобдан иборат бўлсада, бироқ ўз ичига икки мураккаб тарихий даврни олган. Бу икки даврдан биринчисига XVIII асрдан XIX асрнинг иккинчи ярмигача (Ўрта Осиё Россияга қўшиб олинган даврга ча) бўлган ўзбек театри тарихи кирган бўлса, кейинги даврда эса XIX асрнинг иккинчи ярмидан XX асрнинг аввалигача бўлган Туркистон театр ҳаёти ва маданияти кўрсатилган.

Мазкур китобнинг биринчи бобида XVIII аср ва XIX асрнинг биринчи ярмидаги ўзбек театри ҳақида сўз борар экан, муаллиф бу даврдаги тарихий шароит ва маданий муҳит, ўлкада феодализмнинг ҳар томонлама чириган чоғи, демократик адабиётнинг ривожланаборгани ва Ҳувайдо, Гулхаий, Маҳмур, Нодира, Увайсий, Огаҳий сингари прогрессив шоирларнинг ижод этиши тўғрисида, ўзбек музикасининг ривожи ва унинг ҳамма жанрлари ўсганлиги, ўзбек халқи ўзининг қадимги хореографияси санъатини ва унинг энг ажойиб намуналарини феодализмнинг энг мусибатли йилларида ҳам асраб-авайлаб қолганлиги ҳамда унинг равнақи учун жонбозлик кўрсатгани ҳақида қизиқарли маълумотлар келтиради. Шу бобнинг ўзида қадимий ўзбек театрининг репертуари ва унинг характери ифодаланади, актёрлик санъатининг ҳусусиятлари бадиий маҳорат даражаси тасвирланади, ўзбек театрининг ғоявий - эстетик асослари атрофлича кўрсатиб берилади. Муаллиф бу даврдаги ўзбек театри ва унинг энг жанговар турларидан ҳисобланган халқ комедияси ҳақида фикр-мулоҳаза юритар экан, ўзбек халқ комедияси асрлар мобайнида халқ идеологиясининг ифодачиси бўлиб келди деб, унга тўғри баҳо беради.

Шу бобнинг ўзида ўқувчи диққат-эътиборини айниқса жалб этадиган масалалардан яна икки масала бордир — булардан бири аёллар труппасининг қадим тарихга эга эканлиги ва иккинчиси эса ўша даврлардаги театр эстетикаси. Муаллиф қадимги аёллар труппаси ҳақида мулоҳазал ар юритиб ва унинг келиб чиқиши, тарихий шарт-шароитлари ҳақида бундай деб ёзади: «УП асрда араб истилосидан сўнг илгариги эрлар ва аёллар учун умумий бўлган театрдан аёлларнинг ажраб чиқиши, ичкаридан жой олиши, мустақил равишда аёл труппаларини ҳам майдонга келтирган...»

Мамажон Раҳмонов ўз китобининг мазкур бобида ана шу даврнинг қатор театр намояндалари ва уларнинг ўзига хос бўлган ижодий фаолиятлари тўғрисида сўз юритиб, китобхонларимизга маълум бўлмаган фактларни ҳам келтиради. Бу даврнинг йирик театр намояндалари ҳақида сўз борар экан, бизни машҳур қўқонлик санъаткор Бидиёршум (Муҳаммад Солиҳ)нинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ниҳоятда қизиқтириб қўяди. Бидиёршум ўз даврининг кўзга кўринган театр арбобларидан ҳисобланиб, театр санъатининг тамомий турларини, қонда ва тартиботларини ва шу билан бирга мусиқа ҳамда рақс санъатини ниҳоятда яхши ўзлаштириб олган, зеҳни ўткир, табиатназми баланд, хушовозлимимикага бой, ширинсухан, режиссёр ва актёр, пьесалар тўқийдиган моҳир драматург ҳамда труппа бошлиғи бўлган.

«Ўзбек театри тарихи» китобининг иккинчи бобида XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошида Туркистондаги театр ҳаёти билан танишамиз. Бу бобдаги саҳифаларни кўздан кечираркамиз, бизнинг диққат-эътиборимизни — Туркистоннинг Россияга қўшиб олиниши ва ўзбек халқининг иқтисодий ва маданий ҳаётидаги ўзгаришлар, ўзбек театри фаолияти ҳамда Юсуп қизиқ труппаси, Туркистондаги рус театри ва музикаси. Европа тетарига ерли халқларнинг муносабати, рус, ўзбек, татар, озарбайжон, арман театр алоқаларининг бунёдга келиши ва ривожлана бориши ҳамда бир-бирларига таъсири каби муҳим масалалар ўзига жалб этади. Шуни ҳам эслатиб ўтиш керакки, кўпинча санъатга доир илмий ишларда, ўрганилаётган у ёки бу даврга тааллуқли сиёсий ва ижтимоий ҳаёт процесси одатда четлаб ёки жуда ҳам юзаки қараб ўтиларди. Мамажон Раҳмоновнинг мазкур асарида эса, театр санъати ва маданияти ҳақида фикр-мулоҳазалар юритишдан аввал тасвирланаётган даврларга характерли бўлган сиёсий ва ижтимоий процесслар ранг-ранг мисоллар ҳамда бой маълумотлар орқали кўрсатиб берилади.

Асарнинг учинчи бобида янги ўзбек театрининг майдонга келиши, ёзма драматургия ва босма пьесаларнинг туғилиши, ҳаваскор труппаларнинг барпо этилиши, янги ўзбек демократик театри ва драматургиясининг шаклланабошлаши, Тошкентда «Туркистон» труппасининг очилиши, ўзбек театр танқидчилигининг бошланиши каби муҳим ва жиддий масалалар ёритилган бўлиб, ундан олимнинг нақадар кўп йиллик изланишлари чуқур ва мураккаб илмий текширишлар, баракали тарихий ўрганиш ишларини муваффақиятли олиб борганини кўрамиз. Муаллифнинг Октябрь революцияси арафаларида, ҳозирги Ўзбекистон составига кирган шаҳарларда ташкил топган труппалар ва айниқса Тошкент ва Қўқон театр труппалари ҳақидаги келтирган маълумотлари ҳам анча қизиқарли бўлиб театршунослик фанимиз учун жиддий аҳамиятга эгадир. Масалан, китобда Тошкентдаги «Туркистон» труппаси ҳақида сўз боркан, биз қуйидаги сатрларни ўқиймиз: «...революциядан илгари Европа усулидаги ўзбек театрининг шаклланиш палласида А. Авлоний раҳбарлигидаги «Туркистон» труппасининг ҳиссаси бениҳоя катта бўлди. Труппанинг энг катта хизмати унинг дастлабки саҳна кучлари тайёрлашда бўлди. Унинг саҳнасидан М. Уйғур, Ғ. Зафарий, Сулаймон Хўжаев, Хуршид каби бир талай талантли саҳна кучлари, санъат арбоблари етишиб чиқдилар ва улар Октябрь инқилобидан сўнг ўзбек совет театрининг ташкилотчилари бўлиб қолдилар».

Мазкур китоб ноёб фотосуратлар билан ҳам безалган. У жуда ҳам бой ва ниҳоятда мазмундор илова билан тамом бўлади.

Мамажон Раҳмоновнинг «Ўзбек театри тарихи» китоби юксак аҳамиятга эга бўлган муҳим тадқиқот бўлиб, у совет театршунослик фани хазинасига яна бир дурдона бўлиб қўшилди.

Р. ҚОРИЕВ,
ЎзССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби
Б. НАСРИДДИНОВ,
театршунос.

Янги шеърлар

Азиз АБДУРАЗЗОҚ.

САДА

Кўчамизда азим туп сада
Бир ой кесилди.
(Осонми ахир филни йиқитиш).
Кўчада бир ой қайнаб турди иш,
Бу ишни кўриб қалбим эзилди.
Қалбим эзилди мисоли анор.
Унинг наслси ўзимга аён.
Сада кесганлар каёқдан билсин?
Қалб — пўлат тилсим,
Баъзан дўстинг ҳам очиши гумон.
Сада кесилди айни саратон.
Еру—кўк ёниб, ёлқинланганда,
Чоллар келишиб салқинлаганда,
Айни зарур пайт кўм-кўк соябон,
Сада кесилди ҳеч бир сабабсиз.
Сада кесилди, сотилди чаққон.
Қассобга тегди бир бўлак тўнғак,
Битта кампирга қийма тахталик.
Биров гўшт истар, бировлар илик,
Энди бошида чақилар сўнгак.
Сададан чиқди бир дунё ўтин,
Хаш-паш дегунча талаб кетдилар.
Ўтиндан ҳам кўп харидор бўлди,
Жала қуйгандай бир бозор бўлди,
Чўп ҳам қолдирмай ялаб кетдилар.
Ўтин қайғуси менга бегона.
Ҳовуч ичида сиқилган — анор —
Қалбим эзилди.
Сада кесилди,
Энди афсусинг не ҳожати бор?..

ОТАШ

Кичик эдим, кўримсиз эдим,
Лекин доим қўнимсиз эдим.
Туролмасдим бир жойда узоқ,
Чўпчак териб кучоқ ва кучоқ,
Гулхан ёқиб бир ўзим танҳо,
Болаларни чорлардим гоҳо.
Йўқ, мен эмас, чорларди оташ,
Ҳар бир чўғим бўларди талаш.
Катталардай сезиб ўзимни,
Гулханимдан узмай кўзимни,
Ўйлар эдим: «Бахтим шу гулхан,
Дўст орттирай гулханим билан».
Шундан бери тинимим йўқдир,
Бирор лаҳза кўнимим йўқдир.
Туролмайман бир жойда узоқ.
Ўтин териб кучоқ ва кучоқ,
Терлаб, пишиб ёқаман оташ,
Жондан кечиб ёқаман оташ.
Ўт ўчганда яна бир ўзим
Қолар эдим ўй суриб бир зум.
Турмайин деб бир жойда узоқ,
Чўпчак териб кучоқ ва кучоқ,
Қайта бошдан ёкардим оташ,
Яна чўғим бўларди талаш.
Катталардай сезиб ўзимни,
Гулханимдан узмай кўзимни,
Ўйлар эдим: «Бахтим шу гулхан,
Дўст орттирай гулханим билан».
Шундан бери тинимим йўқдир,
Бирор лаҳза кўнимим йўқдир.
Туролмайман бир жойда узоқ.
Ўтин териб кучоқ ва кучоқ,
Терлаб, пишиб ёқаман оташ,
Жондан кечиб ёқаман оташ.

Барот БОЙҚОБИЛОВ.

Иссиққўл илҳомлари

Бриллиант харсанг тош
Кўлга эгиб бош,
Зангори тўлқинда
Акс этар бунда,
Кундуз ва оқшом.
Тянь-шань арчаси,
Тоғлар дарчаси
Тоғлар гардишида,
Иссиқ тўшида
Соқчидир мудом.
Осмонга бош тутган,
Қуёшни ўпган
Олатов қошида,
Чўққи бошида
Эрир оппоқ қор,
Воҳа бўсағасида,
Қўл ёқасида.
Табиат гилами —
Тоғлар кўклами
Яшнаган бакор.
Зилол ойнага
Момиқ сийнага,
Қўл солар доимо
Асов шалола,
Ҳатлаб юксакдан.
Иссиқ кўл ҳавоси,
Каклик навоси
Кўнгилни яйратар,
Қўшдай сайратар,
Севдим юракдан.
Тоғлар этагида,
Арча тагида
Боқамиз кўлга.
Қушлар қанот қоқар,
Тўлқинлар оқар
Куй бўлиб дилга
Чертиб қалбим торин,
Юракда борин
Сўйлайди бир қиз.
Дилимни сеҳрлаб.
Севгим муҳрлаб,
Куйлайди бир қиз.
Булоқ каби қайнар,
Майин жаранглар
Кўнгил куйлари,
Қанот боғлаб учар,
Самони қучар
Эзгу уйлари.
Арашон тоғида,
Нура боғида
Кезар хаёли.
Лоладай товланар,
Чўғ бўлиб ёнар
Ойдай жамоли.
Тошдан-тошга қўнар.
Қалбим қитиқлар,
Нафис овози.
Бахтиёр дилда,
Дилбар кўлида
Муҳаббат сози.
Оқ соч Олатовда,
Яшил яйловда
Куйи — кабутар.
Арчалар тебраниб,
Кўшиқ ўрганиб
Табассум этар.
Бахмалтўш қирғоқни,
Уйғотар тонги
Кўшиқ нидоси.
Шапола тилида,
Козоқ чўлида
Аксу садоси.
Қора соч тол-тол,
Ел ўйнар хиёл
Харсанг тош узра.
Куйидан эриб қалб,
Дилда кучли зарб
Қонмайман сира.
Чертиб қалбим торин,
Юракда борин
Сўйлайди бир қиз.
Дилимни сеҳрлаб
Севгим муҳрлаб
Куйлайди бир қиз.

ТЎЛҚИН.

Сокинлик

Ойдин оқшом.
Атрофда жимлик.
Эшитилар қалбим уриши,
Қадамларнинг бесас юриши,
Ойдин оқшом.
Майин сокинлик.
Ҳиёбонни кезаман аста,
Япроқларда мудрар сокинлик,
Зар кокилин судрар сокинлик,
Тўда юлдуз боқар ҳавасда.
Енгилгина эсар шаббада,
Майсаларда йилтиллар шабнам,
Қўлим тутсам илашади нам,
Кафтим узра бир томчи бода.
Бир дақиқа тўхтаган гўё
Чигирткалар чириллаши ҳам,
Шўх қушларнинг пириллаши ҳам,
Бир онгина мизғиган дунё!
Ҳиёбонни кезаман аста,
Фақат булоқ тинмай шарқирар,
Ой нурида ялт-ялт яркирар,
Ҳиёбонни кезаман аста.
Ойдин тунда ҳукмрон жимлик,
Йироқларга назар соламан,
Бир эримга ўйга толаман,
Шовқинларни енган сокинлик.
Япроқлар ҳам чалмайди чапак,
Пичирлашга ийманар шамол,
Гул қошида у соқов ва лол,
Бошим узра ой ҳам чирпирак.
Майса йўлдан бораман бир-бир,
Намхуш ўтда мудрар сокинлик,
Зар кокилин судрар сокинлик,
Шу сокинлик айлади асир!

* * *

Ёлғиз яшамайди дунёда одам,
Ўлса ҳам бир ўзи ўлмайди.
А. МУХТОР.

* * *

Гул излайман далалар оша,
Ўзим учун эмасдир аммо.
Гўзалликни қилсам томоша,
Ким биландир бўлдим доимо.
Йўл юраман, йўлим беҳисоб,
Йўл юрганда бордир йўлдошим.
Бошим узра нур сочар офтоб,
Уртададир бир коса ошим.
Юрагимда жўш урар орзу,
Ниятимни йўлларга сочгум.
Одамлардир мен учун кўзгу,
Одамларга қалбимни очгум.
Бахт қўлимда,
Ўша бахтни ҳам
Ким биландир бўлишсам дейман.
Шу ниятда яшадим ҳардам,
Шу ниятда ризқимни ейман.
Яшаяпман, кўнгил турмас тинч,
Гоҳо кулди,
Гоҳида синди.
Якка ўзим яшамадим ҳеч,
Якка ўзим ўлмасман энди!



В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг биноси. Н. Муҳаммаджонов фотоси.

Китоблар оламида

В. И. ЛЕНИН МАНА ШУНДАЙ КИШИ ЭДИ

«Еш гвардия» нашриёти кекса большевик Елена Дмитриевна Стасованинг В. И. Ленин ҳақидаги хотираларини нашр этди. Е. Д. Стасова революцион ҳаракатнинг кекса арбобидир. У 1898 дан КПСС аъзоси, узоқ йиллар шахсан В. И. Ленин раҳбарлигида ишлади. Стасова бу китобчага киритган хотираларида В. И. Ленин билан бўлган учрашувлари тўғрисида ҳикоя қилади. Брошюрани русчадан Ф. Ғаниҳўжаев таржима қилган.

«ҚИЛИЧ ВА ҚАЛАМ»

Яқинда Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти озарбайжон ёзувчиси М. С. Ўрдубодийнинг «Қилич ва қалам» тарихий романининг иккинчи китобини нашр этди.

Роман озарбайжон халқининг улуг шоири Низомий Ганжавий ижодига, ҳаётига бағишланади. Романда озарбайжон халқининг ўз мустақиллиги учун кураши тасвирланади.

Китобни озарбайжончадан Назира Алиева, Муҳсин Ҳамидов ва Рустам Комиловлар таржима қилганлар.

«ДУРЛАР ХАЗИНАСИ»

Туркман ёзувчиси Т. Тағаповнинг «Дурлар хазинаси» деб аталган китоби бостмадан чиқди. Туркманларнинг севимли шоири Махтумқулининг соф севги ва садоқатни, Ватан ва халққа чексиз муҳаббатни куйловчи шеърлари қалбларга самимий завқ ва ҳузур бахш этиб келмоқда. Адибнинг ушбу қиссасида ана шу қўшиқлар ижодкори Махтумқули, унинг машаққатли ҳаёти ва муҳаббати ҳақида ҳикоя қилинади. Китобни туркманчадан Эркин Носиров таржима қилган.

Китоб Ғафур Ғулом номидаги адабиёт нашриётида нашр қилинган.

«АНДРЕС ФОЖИАСИ»

Ғафур Ғулом номли бадиий адабиёт нашриётида эстон ёзувчиси Пауль Куусбергнинг «Андрес фожиаси» деб аталган китоби чиқди.

Асарда ҳудбин Лапетеуснинг фожиаси ҳикоя қилинади. Лапетеус ўз мавқеини сақлаш учун ҳақиқий муҳаббатдан воз кечади, севгилисидан юз ўгиради.

«ҲАМСУҲБАТЛАР»

Ёзувчи Суннатилла Анорбоевнинг «Ҳамсуҳбатлар» номли янги китоби чиқди. «Ёш гвардия» нашриёти босмадан чиқарган бу китобда сиз «Баҳс», «Ўч», «Туш», «Ёзда», «Қўрқоқ» ва бошқа ҳикояларни ўқийсиз.

«ЖОНКУЯРЛАР»

С. Раҳматхўжаевнинг «Жонкуярлар» номли китобчаси босмадан чиқди. Унда Тошкент шаҳридаги хотин-қизлар Советларининг иш тажрибалари мукаммал ва батафсил баён этиб берилган.

Китоб «Ўзбекистон» нашриётида нашр этилди.

Р. ТИЛЛАЕВ.

◆ *Санъат хабарлари*

«МЕҲНАТГА ШОН-ШАРАФЛАР»

Ўрта мактабни битираётган ёшларнинг бири олий ўқув юртларига, бири завод ва фабрикаларга, яна бири ҳунар мактабларига йўлланма олиш арафасида турибди.

Яқинда республика ҳунар-техника билим юрти маданият уйи коллективи Тельман номидаги маданият ва истироҳат боғида Куйбишев район ўқувчиларининг ҳунар-техника билим юрти талабалари билан учрашувини ўтказди.

«Меҳнатга шон-шарафлар» деган шиор остида ўтган маърақли кечада ҳунар-техника мактаблари системасининг маданият уйида ўз маҳоратини оширайётган бадиий коллективлари ва ўрта мактаб ўқувчилари ҳаваскорларининг катта концерти бўлди.

ФАБРИКАДА КОНЦЕРТ

«Шарқ тикувчилик фирмаси маданият саройида кўпгина бадиий ҳаваскорлик тўгараклари иш олиб боради. Тикувчилар ишдан бўш пайтларида ўзларининг иккинчи истеъдодларини тарбиялайдилар. Фирмада анъана тусига кириб қолган одат бор. Ҳар душанба ва чоршанба кунлари сменалар ўртасида корхона санъаткорларининг концерти бўлади. Концерт фирма территориясидаги чойхонада ўтказилади.

Маданият саройида болалар истеъдодини тарбиялашга алоҳида эътибор берилади. Бу ерда бир неча тўгараклар бор.

Кеча — якшанба куни маданият саройида болалар учун эрталик ўтказилди. Бадиий ҳаваскорлик тўгараги қатнашчилари концерт бердилар. Кейин эса болаларга фильм кўрсатилди.

Бирбол ҳақида ривоятлар

«Бу мард, истеъдодли саркарда, айни чоғда олижаноб ва юмшоқ кўнгил одам эди».

Ҳозирги Ҳиндистон асосчиси Жавоҳарлал Неру Бобирнинг авлоди Акбар ҳақида шундай деб ёзган эди.

Ҳиндистон тарихчилари 16 асрнинг иккинчи ярмини «Акбар асри» деб атайдилар. Бу бежиз эмас. Бу даврда ҳинд-мусулмон маданиятлари уйғун равишда бир-бирига қўшилиб, ажойиб адабиёт, архитектура, ҳайкалтарошлик, музика, тасвирий санъат намуналари яратилди, турмушда, урф-одат ва ахлоқ-одоб бобида зўр силжиш рўй берди.

Акбарнинг ўзи ҳам барча истеъдодли шоир, олим, меъмор, музикачи ва рассомларга, улар эътиқоди мусулмон ёки ҳиндилар динига мансублигидан қатъий назар, ҳомийлик қилган. Неру ўзининг «Ҳиндистоннинг кашф қилиниши» китобида ёзганидек «Акбар атрофига ўзига ҳамда ўз идеалларига содиқ бўлган ажойиб кишилар гуруҳини тўплаган... Унинг саройида жуда хилма-хил диний эътиқоддаги кишилар, янги ғояларни илгари сурадиган ёки янги ихтиролар яратган кишилар учрашиб туришарди».

Ана шундай кишилардан бири вазир Бирбол бўлган. Бу ноёб ақл эгаси асли камбағал руҳоний оиласидан бўлиб, то Акбар саройига келгунча бошқа кичик мақаллий ҳукмдорлар саройида хизмат қилган. Акбар доно, ўткир сўз ва тадбиркор бўлгани учун уни севиб қолган, юксак қадрлаган. Ўз саройининг ёнида вазири Бирбол учун ҳашаматли иморат қурдирган. Бундай марҳаматга шоҳнинг яқинларидан ҳеч бири муяссар бўлмаганди. Акбар Бирболни ўз ҳарбий юришларида ҳам бирга олиб юрган. Шундай юришлардан бирида, афғонлар билан жангда Бирбол ҳалок бўлади, жасади эса топилмайди. Шундай қилиб, шоҳ суюкли вазиридан ажрайди.

Лекин, доно ва адолатпарвар вазир ҳақида ўнлаб ривоят яратилганки, улар ҳинд халқ оғзаки ижодининг нодир хазинаси ҳисобланади. Бу хазина ҳозир ҳам янги дурдоналар билан бойиб боряпти. Бирбол тўғрисида янги-янги ривоятлар яратилятти.

Подшоҳ ўлмайдими?

Бир куни Акбар деди:

— Бирбол! Агар шоҳлар бир тахтга ўтирганларича абадул-абад унда қолсалар жуда зўр бўларди-да, тўғри эмасми.

—Шаҳаншоҳ!— жавоб қилибди Бирбол тақаллуф билан, — сўзларингиз ҳақ. Аммо, унда сиз қайдай қилиб подшоҳ бўлган бўлардингиз?

Шоҳ киноясини тушунибди-ю, лекин индамабди.

Берувчининг қўли пастда

Подшоҳ Акбар Бирболдан сўрабди:

—Бирбол! Ўзинг ҳам кўргандирсан: бир одам бошқа одамга бирор нарса берганида унинг қўли юқорида, олувчининг қўли эса пастда бўлади. Нега аксинча эмас?

Бирбол дарҳол жавоб берибди:

— Бунинг акси кўпинча бўлади.

— Қайси ҳолда?

— Бир одам бошқасига тамаки узатганда.

Бундай саволга нима деб ҳам бўлади? Шоҳ мамнун бўлиб индамабди.

Қай бири яхши

Бир кун подшоҳ сарой аъёнлари билан суҳбат қуриб ўтирган экан, Бирбол кириб келибди. Шоҳ унга дебди:

—Айт-чи, Бирбол, қайси мева энг яхши? Қимнинг сути ҳамманикидан тотли? Қайси дарахтнинг барги энг фойдали? Ширинликлар ичида қай бири энг мазали?

Бирбол узоқ ўйлаб ўтирмай, жавоб қилибди:

—Олампаноҳ! Энг яхши мева — фарзанддир. У туфайли ота ва боболар номи авлоддан авлодга ўтади. Энг тотли сут — она сутидир: бу сут ҳаммани тўйғизган ва катта қилган. Пан дарахтининг барги энг фойдали. Энг мазали ширинлик — тилдир. Тил пулсиз ҳам кишиларни сенга отдиради.

Шоҳни вазирнинг бу сўзлари жуда хурсанд қилибди.

Чанг қолади

Бир куни подшоҳ сўрабди:

—Бирбол, сен ҳисобга устасан. Айт-чи, ўн иккидан тўртни айирса неча қолади!

—Чанг қолади!

— Бу нима деганинг?

—Шаҳаншоҳ! Ахир ўн икки ойдан серёмғир тўрт ойни олиб ташласак, чангдан бошқа нима қоларди?

Подшоҳ буни эшитиб, кулиб юборибди.

Шам ости қоронғу

Бир куни подшоҳ билан Бирбол саройнинг энг баланд томида дам олиб ўтиришган экан. Бирдан нарироқда ўғрилар кўчадан ёлғиз ўтиб бораётган кишини талаётганини кўриб қолишибди. Ҳалиги киши ночор қолиб, бор — будидан ажралибди.

У тўғри саройга бориб дод қилибди:

—Бу қанақаси, худди шаҳаншоҳнинг кўз олдида мени шилишса?

Подшоҳ бу бечоранинг аҳволини эшитиб қолибди:

—Бу қандай бўлди, Бирбол? Ишни шундай ўринлатяпман, де? Агар нақ кўз ўнгимда ажнабийни шундай талашса, унда менинг орқамдан нималар қилишаётган экан?

— Олампаноҳ!— дебди Бирбол.— Ахир сиз «Шам ҳамма ёққа нур сочса ҳам ости қоронғу» деган мақолни эшитмаганмисиз?

Подшоҳ ўйланиб қолибди. Бирболнинг сўзлари ҳақ эканлигини фаҳмлаб индамабди.

Ҳақиқат ва ёлғон

— Бирбол, айт-чи, ҳақиқат билан ёлғон орасида қандай тафовут мавжуд?

— Олампаноҳ,— дебди Бирбол,— улар орасидаги фарқ кўз билан қулоқ орасидаги фарққа тенг.

—Бу нима деганинг? — ҳайрон бўлибди подшоҳ.

— Шаҳаншоҳ! Ўз кўзимиз билан кўрганимиз ҳақиқат, фақат қулоқ билан эшитганимиз ёлғондир.

И. СУЛТОНОВ
таржимаси.

Халқаро темада

ХАЛҚ ИРОДАСИ

Яқинда жаҳонда муҳим халқаро воқеа бўлиб ўтди. Жанубий Вьетнам Миллий Озодлик Фронти ва Вьетнамдаги миллий демократик ҳамда тинчликсевар кучлар конгрессида Жанубий Вьетнам республикаси ташкил этилганлиги, вақтли революцион ҳукумат тузилганлиги эълон қилинди. Жанубий Вьетнам миллий озодлик фронти ва миллий демократик ҳамда тинчликсевар кучлар союзи ташаббуси билан Жанубий Вьетнамнинг озод қилинган территориясида чақирилган съезд халқ иродасини ифодалаб, ана шундай қарорга келди.

Бу воқеа Жанубий Вьетнам халқининг ўз озодлиги ва мустақиллиги учун, Америка агрессорларига ва уларнинг малайларига қарши олиб бораётган курашида янги босқич бошланганидан далолат бериб турибди.

Газеталарнинг хабар беришича, Жанубий Вьетнам республикаси муваққат революцион ҳукуматининг ҳаракат программаси эълон қилинган. Бу Программада АҚШ агрессиясига қарши курашни кучайтириш учун Жанубий Вьетнам қуролли кучларини ва халқини жипслаштиришни муваққат ҳукумат ўзининг мақсади қилиб белгилаган.

Программада АҚШ империалистлари томонидан Жанубий Вьетнамда ўрнатилган мустамлакачилик режимини тугатиш, чинакам демократик ва эркин республика тузими ўрнатиш, чет эл мамлакатлари н и н г аралашувисиз тенглик, чинакам озодлик ва демократияга мувофиқ умумий сайловлар ўтказиш зарурлиги таъкидлаб ўтилади.

Жанубий Вьетнам миллий озодлик фронтининг янги программаси, ватанпарварларнинг кенг жабҳада кураш олиб боришганлиги, озод қилинган барча районларда халқ ҳокимиятининг демократик органлари барпо этилиши. Жанубий Вьетнамни озод қилиш миллий фронти делегациясининг Париж музокараларида қатнашаётганлиги буларнинг ҳаммаси Жанубий Вьетнам Республикаси эълон қилинишининг босқичлари бўлди.

Муваққат революцион ҳукумат Жанубий Вьетнам халқининг чинакам ваколатли органидир. Бу ҳукумат эндиликда Жанубий Вьетнам территориясининг бешдан тўрт қисмини контрол қилиб турибди. Жанубий Вьетнамнинг кўпчилик обшиналари, уездлари ва вилоятларида демократик сайловлар ўтказиш йўли билан халқ кенгашлари ҳамда халқ революцион комитетлари тузилди ва улар муваффақиятли ишламоқда.

Жанубий Вьетнам республикаси н и н г ташкил этилиши Вьетнам проблемасини тинч йўл билан тезроқ ҳал қилишда янги имкониятлар очиб беради.

Шу йил 12 июнда Жанубий Вьетнам миллий озодлик фронтининг Москвадаги доимий вакиллиги Жанубий Вьетнам Республикаси ва муваққат революцион ҳукумат тузилганлигига бағишлаб матбуот конференцияси ўтказди. Доимий ваколатхонанинг бошлиғи Данг Минь совет ва чет эл журналистларига Жанубий Вьетнам республикасида муваққат революцион ҳукумат тузилганлиги ҳақидаги тарихий воқеани сўзлаб берди. Бу ҳукумат халқ иродасини ифодалайди ва халқнинг чинакам вакилидир.

Совет халқи ва бошқа социалистик мамлакатлар халқлари, бутун жаҳон прогрессив жамоатчилиги Жанубий Вьетнам муваққат революцион ҳукуматининг тузилганлигини қизғин табриклмоқда.

Москвада ўтаётган коммунистик ва ишчи партиялар Кенгашининг Жанубий Вьетнам республикаси муваққат революцион ҳукуматига юборган телеграммаси ҳам ана шундан далолат бериб турибди. **«Коммунистик ва ишчи партияларининг Москвада тўпланган кенгаши Жанубий Вьетнам Республикаси муваққат революцион ҳукуматининг тузилишини қизғин табриклайди»,**— дейилади телеграммада.— **Кенгашга ўз вакилларини юборган 75 партия бу воқеани Вьетнам халқининг қаҳрамонона озодлик курашидаги янги ва муҳим босқич деб билади».**

Социалистик мамлакатлар халқлари ва прогрессив кучлар Жанубий Вьетнам Республикаси муваққат революцион ҳукумати тузилишини зўр қониқиш ва мамнуният билан кутиб олганлигини шундан ҳам билса бўладики, муваққат ҳукумат тузилиши билан оқ кўпгина давлатлар уни таниди. Чунончи Германия Демократик Республикаси, Руминия, Корея, Халқ Демократик Республикаси, Куба, Сурия, Жазоир, Жанубий Вьетнам Республикаси муваққат Революцион ҳукуматини тангаганликларини эълон қилдилар.

Жанубий Вьетнам Республикаси муваққат ҳукумати тузилиши Жанубий Вьенам миллий озодлик фронтининг янги ғалабасидир. Жанубий Вьетнам ўз озодлиги ва мустақиллиги учун курашаётган Вьетнам халқининг ғалабасидир.

И. ҲАЙДАРОВ.



Ҳар шанба ва якшанба дам олиш кунлари шаҳримизнинг мингларча меҳнаткашлари шаҳар атрофидаги хушманзара жойларга ҳордиқ чиқариш учун борадилар.

СУРАТДА: бир группа шаҳарликлар дам олишга кетмоқдалар.

М. Нуриддинов фотоси.

— Ҳа, ҳеч нарсага тушунмас эканманми... Ҳаммасига ақлим етибди-ку... Нимага мени тушунмайди дейсизлар, — деб уйни кўтарди.

Ойим укамни тиғчитгач, хонага қайтиб кирди.

— Шу замоннинг болаларига ҳайронман. Ҳамма нарсага ақли етади-я, — деди бояги жавоннинг эри.

Мен олдинроқ лип этиб ўрнимдан туриб кетган эдим.

Тўғрисини айтсам укамнинг бу қилиғидан кўп хурсанд бўлдим.

Дарс пайтида ўқитувчимиз мен нима ҳаёлда ўтирганимни сезгандай:

— Юртимизда республика эълон қилингач, эркаклар билан аёллар тенг ҳуқуққа эга бўлди. Энди ҳар соҳада уларнинг ҳуқуқи тенг, ўртада зарра фарқ йўқ, — деди.

Бу гап Яшарнинг эркаклик нафсонатига оғир ботди.

— Ҳечам фарқ йўқми?

— Асло.

— Ростданми?

— Ҳа! — ўшқирди ўқитувчи.

— Ундай бўлса нимага «Хотин-қизларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш жамияти» тузилган? Нега эркакларники йўқ? Ойим шу жамиятга аъзо, биламан буни.

Бефаросат Нашъа луқма ташлади:

— Жонворларни ҳимоя қиладиган жамият ҳам тузилган...

Уйга қайтаётганда ҳам нуқул шу ҳақда гаплашиб келдик.

Кечки овқатдан кейин дадам газета ўқиб ўтирган эди. Эълонга кўзим тушди. Янги казино очилибди. Стриптизга тушадиган хотинларнинг яланғоч расми илова қилинган.

— Дада, эркаклар нега стриптиз ўйнамайди?

Дадам газетани бир чеккага улоқтириб, менга ғалати қилиб тикилди.

— Эсинг жойидами, ўғлим? Эркак кишига бало борми стриптиз ўйнаб?!

— Ўқитувчимиз бугун эркаклар билан аёллар тенг ҳуқуқли бўлган, деб айтди-ку, ахир. Ҳуқуқ тенг бўлгандан кейин эркаклар ҳам стриптизга тушиши керак-да.

— Эр кишининг йўриғи бошқа, ўғлим. Ҳар ҳолда эркак билан хотин кишининг ўртасида қандайдир фарқ бўлиши керак.

Иш тикиб ўтирган жойида ойим гап ташлади.

— Нимасини айтасиз. Эркак киши кечаси билан кўчада сангиб юрса ҳеч ким ҳеч нарса демайди. Аёл киши қилса-я шу ишни... Дарров бадном бўлади. Бунисига нима дейсиз? Тўғрими шу?

Дадам билан ойим гап талашиб қолишди.

Менга берган саволинг ҳақида кўп ўйлаб кўрдим. Тагига етолмадим. Кимдан сўрамай, тузукроқ жавоб ололмадим. Менимча, аёл кишининг ҳам, эркак кишининг ҳам ўзига яраша бахти бор. Тарихда жуда кўп оқила, буюк аёллар ўтган. Агар шу аёллардан: «Эркак бўлиб туғилишни истармидингиз?» деб сўралганида нима деб жавоб берган бўлишарди, биласизми? Чамамда, йўқ, истамайман, деган бўлишарди. Ўғил ёки қиз бўлиб туғилишнинг аҳамияти йўқ. Энг муҳими — ҳар ким ўз-ўзидан, ўз ишидан рози бўлсин. Бахт мана шунда.

Сенга чин юракдан муваффақият тилайман.

Аҳмад ТАРБАЙ.

УМРОВ СУЯГИ

22 декабрь 1963 йил
Истамбул,

Зайнаб дўстим.

Сендан ҳар икки-уч кунда бир марта хат олишга ўрганиб қолган эканман. Кунига почтальонни кутаман. Мактабдан кела солиб, менга хат-хабар борми, деб оймдан ҳам сўрайман. Агар сендан ҳат келмаган бўлса ўзимни қўярга жой тополмай юраман. Одатда сенга хат ёзиб юборганимнинг тўртинчи ёки бешинчи кунига бориб жавоб олгучи эдим. Аммо мана тўққиз кун ҳам бўлдики, сендан ҳамон дарак йўқ. Юрагимга ғулғула тушди. Жавобни ҳам кутмай, дарров хатга ўтирдим.

Сенга олдинги хатни ёзиб юборганимнинг эртаси куни синфимизда қизиқ бир ҳангома бўлди. Мана, эшит.

Анатомия дарсида ўтирган эдик, директор бир одамни бошлаб синфга кириб келди. Билсак, инспектор экан. Инспектор ўқитувчимиз билан алланималарни гаплашиб олгач, Ўғиз деган болани ўрнидан турғазди. Ўғизни сен танимайсан. Сендан кейин келган. Илгари Ташрада туришаркан, шу йили Истамбулга кўчиб келишибди. Мактабга биринчи келган кунидаёқ бу болага қойил қолдик. Нимасига қойил қолдик, биласанми? Улгудек чақкон бола экан. Худди маймуннинг ўзи-я... Бечораннинг заиф томони ҳам бор экан. Нуқул дудуқланиб гапираркан. Олдинига болалар дудуғини юзига солиб, калака қилиб юришди. Ўғиз заррача парво қилмади. Бунақа гапларни эшитавериб, кўникиб кетганга ўхшайди. Болалар қарашсаки, унинг жиғига тегиб бўлмайди, фойдаси йўқ.

(Давоми бор.)

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

(ДАВОМИ. Боши газетанинг ўтган сонларида).

Реклама ва эълонлар

Радио

16 ИЮНЬ

ДУШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 «Фарғона маржонининг шарафи учун». Фарғона область партия комитетининг секретари В. Содиқов сўзи (русча). **18.10** «Сенга, Ильич» деган концерт (русча). **19.00** «Актуал проблемалар» (Москва). **19.15** Сўнгги ахборот (ўзбекча); **19.23** Сўнгги ахборот (русча). **19.30** Бахт ва меҳнат ҳақида куйлаймиз (ўзбекча). **20.00** ФУТБОЛ. «ПАХТАКОР» — «ЗЕНИТ» (Ленинград). «Пахтакор» стадионидан олиб эшиттирилади. **20.45** «Юность Узбекистана» радиостанциясининг программаси. **21.15** Дала механизаторлари учун концерт. **22.30** Ҳамза номли театрнинг «Парвона» спектаклининг монтажи. Талабларга мувофиқ.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 Куйлардан — қўшиқларга (ўзбекча). **19.30** «Павел Лисицан куйлайди» деган музикали эшиттириш. **20.00** О. Авлиёқуловнинг «Ленин сўқмоғи» деган новелласи (тожикча). **20.30** «Сиҳат-саломатлик» радиожурнали (русча). **21.00** Шекспир сонетлари (ўзбекча). **21.40** Концерт (русча).

17 ИЮНЬ

СЕШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

6.15 Тонгги концерт. **7.40** Ўзбекистон ССР халқ артисти, ҳофиз Саиджон Калонов чалади. **8.25** Партия ва Ватан ҳақидаги қўшиқлар. **9.30** С. Ҳайитбоев, Халқ чолғу асбоблари оркестри учун сюита. **10.30** СССР халқ артисти Георг Отс куйлайди. **11.15** «Институт ва лабораторияларда» циклидан (ўзбекча). **11.30** «Фарҳод ва Ширин» музикали драмасидан парчалар. **13.30** Эстрада куйлари ва қўшиқлари (русча). **15.15** «Замондошларимиз» деган эшиттириш (русча). **15.30** Ҳ. Назир. «ОНА» радиоинсценировкаси (ўзбекча) **16.10** С. Прокофьев. «Бешинчи симфония» деган музикали эшиттириш (ўзбекча). **16.50** «Правда» газетасининг обзори;

18.00 «Янги Устав лойиҳаси колхозчилар муҳокамасида» деган эшиттириш (русча). **18.15** «Актуал проблемалар» (Москва). **18.40** Спорт эшиттириши (ўзбекча). **19.20** Ўзбекистон радиоси ва телевидениеси хорининг концерти. **20.00** «Ешлик» радиостанциясининг программаси **20.40** Ешлар учун концерт (ўзбекча). **21.10** Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. **22.20** Лирик куйлар (ўзбекча). **22.40** Севимли ёзувчилар радиокутубхонаси. Абдулла Қаҳҳор. «Минг бир жон». Инсценировка қилинган ҳикоя (ўзбекча). **23.15** «Дам олиш соатида» деган концерт.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 Рус композиторларининг симфоник куйлари. **9.15** Реклама ва эълонлар. **19.00** «Коммунист» деган радиокомпозиция (ўзбекча). **19.30** Совет Армияси жангчилари учун концерт (русча); **20.00** Тожик халқ куйлари; **20.30** Қорақалпоқ куйлари. **20.50** «Навқирон Ленинобод». Тожикистон радиосининг эшиттириши (русча); **21.00** «Чет эл Шарқи адабиёти». Покистон ёзувчиси С. Х. Минтонинг «Шушу» номли ҳикояси (ўзбекча). **21.40** Концерт (русча).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

13.00 Адабий-драматик эшиттириш (ўзбекча). **14.30** «Совет операсида революция темаси» (русча).

18.00 Ш. Рашидов. «Кашмир қўшиғи» радиопостановкаси (русча).

Телевизор

16 ИЮНЬ

ДУШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

18.30 Кўрсатувлар программаси. **18.35** Болалар учун. «Қуёш, ҳаво ва сув» (ўзбек тилида).

Рус тилида: 19.00 Футбол бўйича СССР биринчилиги. «ПАХТАКОР» — «ЗЕНИТ» (Ленинград). Танаффус вақтида телевизион янгиликлар. **20.45** Кўрсатувлар программаси.

Узбек тилида: 20.50 Телевизион янгиликлар. **21.05** Шеробод чўлининг қаҳрамонлари. **21.25** Телевизион театр. Ҳ. Олимжон. «Зайнаб ва Омон». Телеспектакль премьераси. **22.25** «Оқ тунлар». Бадиий фильм (рус тилида).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА МОСКВА КЎРСАТАДИ

20.00 «Қўпорувчилар». АҚШ. «Тинчлик корпуси» ташкилотининг қўпорувчилик ва разведкачилик фаолияти ҳақида ҳикоя. **20:30** Калининград музика билим юрти баянистлар оркестрининг концерти. **21.00** «Пионерия» телевизион агентлиги. **21.30** Аҳолига граждан мудофаси ҳақида. **21.45** Зангори экран ҳафталиги. **22.00** Интервидение. «Полтава». Музикали телеспектакль премьераси. **23.30** «Вақт информацион программаси. **00.15** Рангли телевидение программаси. Н. Леонов. «Қўғироқ қилишимни кутинг» Телеспектакль иккинчи қисмининг премьераси. **01:30** Футбол бўйича СССР биринчилиги. ЦСКА (Москва) — «ДИНАМО» (Киев). Иккинчи тайми. **02.15** Шахмат бўйича жаҳон биринчилиги **02.25** Янгиликлар, шарҳловчилар, кўрсатишлар программаси. **02.40** Москва кўрсатувларининг охири.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА ДУШАНБА КЎРСАТАДИ

Рус тилида: 18.00 «Жаҳон кўзгуси». Ҳужжатли фильм. **19.00** Янгиликлар: **19.15** «Яшил уй». Пионерлар лагеридан репортаж. **19.45** «Ниҳоят, ғалаба!». **20.15** Бадиий фильм.

Тожик тилида: 21.40 Янгиликлар. **21.55** Саҳна чироқлари.

17 ИЮНЬ

СЕШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА МОСКВА КЎРСАТАДИ

13.00 Янгиликлар. **13.15** Мактабгача ва кичик ёшдаги ўқувчилар учун. «Колокольчик» театри. **13.45** Бутуниттифоқ ҳаваскорлик санъати фестивали қатнашчиларининг В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига бағишланган концерти. **14.45** А. Малишкин. «Чекка жойли кишилар». Телеспектакль. **16.15** Москва кундузги кўрсатишларининг охири.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

18.30 Кўрсатувлар программаси.

Рус тилида: 18.35 Болалар учун. «Алибобо ва қирқ қароқчи». Кўғирчоқ фильм. **19.05** Телевизион янгиликлар. **19:20** Нодир касб эгалари.

Узбек тилида: 19.45 Телевизион янгиликлар. **20.00** Алишер Навоий номидаги Давлат академик опера ва балет Катта театрининг 30 йиллиги олдидан. Фазлиддин Шамсиддинов ижодий портрети. **21.00** «Тезда баҳор келади». Бадиий фильм (рус тилида). **22.25** Ватан хирмонига. **22.45** Новеллалар телевизион театри. Вишну Прабхакар. «Инсон тақдири». «Ўйғониш».

ИККИНЧИ ПРОГРАММА МОСКВА КЎРСАТАДИ

19.55 Кўрсатувлар программаси. **20.00** Янгиликлар. **20.15** Интервидение. «Объектив». Фотохаваскорлар учун эшиттириш. **21.00** Мактабгача ёшдаги болалар ва кичик ёшдаги ўқувчилар учун. «Моҳир қўллар». **21.30** Ёш — коммунистлар Телеочерк. **21.50** Телевизион фильмлар Бутуниттифоқ III фестивали мукофотига сазовор бўлган фильмлар. «Трест» операцияси». Телевизион бадиий фильмнинг биринчи серияси. **23.30** «Вақт информацион программаси. **00.15** Москва кўрсатишларининг охири.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Узбек тилида: 20.00 «Телескоп» операцияси». Телефильм. **20.15** Симфоник оркестри чолғу асбоблари. Флейта.

Рус тилида: 20.55 «Бизнинг иш йўл қуриш»: Ҳужжатли фильм **21.15** И. С. Тургенев. «Текин томоқ». Бадиий фильм.

Кино

17—18 ИЮНДА ҚИШКИ БИНОДА

Учрашув манзили —Женева — САНЪАТ САРОЙИ. «ЧАПКА», «УЗБЕКИСТОН, НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун). «МОСКВА» (кундуз соат 12, 2.30 ва кеч 7.20 минутда).

Таниш-билишларимиз — «ВОСТОК». «ДРУЖБА», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Катталар ўйини — «КОМСОМОЛ 30 ИЛЛИГИ» (кундуз соат 2, кеч 8 ва 9.45 минутда), «МОСКВА» (эрталаб 10, кундуз 5, кеч 9.20 минутда).

Болалар — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Рошфорлик қизлар — «КОМСОМОЛ 30 ИЛЛИГИ» (кундуз соат 12, 4, кеч 6 да)

ЁЗГИ БИНОДА

(Кеч соат 9 ва 10.40 минутларда бошланади).

Рошфорлик қизлар —ТЕЛЬМАН номли.

Учрашув манзили — Женева — «ФЕСТИВАЛЬ».

Таниш — билишларимиз — «ХИВА».

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИЛАР

26 июнь кундуз соат 12 да Тошкент қишлоқ хўжалик институти совети кенгашида қишлоқ хўжалик фанлари доктори илмий даражасини олиш учун

Н. А. Малицкий: «Ўзбекистоннинг суғориладиган ерларида интенсификация усули билан кузги экин ораларини парвариш қилиш» деган темада;

Н. Т. Забалуев: «Пахта қатор ораларида тугатилиши қийин бўлган кўп йиллик ўсимликлар — ассаломалайкум ва ажриқларга қарши курашда гербицид билан қўлланиш» деган темада

Диссертациялар билан институт кутубхонаси (Тошкент область, Оржоникидзе район, ТошҚХИ)да танишиш мумкин.

26 июнь кундуз соат 2 да В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университетининг биология фанлари бўйича илмий даражалар бериш илмий совети кенгаши (К. Маркс кўчаси, 35 уй, 133 аудитория) да биология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун

О. Н. Нургельдиев: «Туркманистон чўлларида сут эмизувчи ҳайвонлар экологияси» деган темада

Диссертация билан кутубхона (Университет кўчаси. Студентлар шаҳарчаси, ТошДУ) да танишиш мумкин.

27 июнь кундуз соат 2 да Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясининг геология фанлари бўйича бирлашган илмий совети кенгаши (академик Сулаймонова кўчаси, 33 уй) да геология-минералогия фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

Р. **Назирова:** «Чатқол тоғларининг (ЎзССР) айрим руда далаларидаги висмут ва висмутли формацияларининг минералого-геохимик хусусиятлари» деган темада

Диссертация билан институт кутубхонаси (академик Сулаймонова кўчаси, 33 уй) да танишиш мумкин.

27 июнь эрталаб соат 11 да Тошкент политехника институти физик-инженерлиги ва энергетика факультетларининг илмий совети кенгаши (студентлар шаҳарчаси)да техника фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

Х. Шарипов: «Бир фазали икки контурли, икки фазали ва уч фазали электроферромагнит занжирларда автопараметрик тебранишлар» деган темада

Диссертациялар билан институт кутубхонаси (Навоий кўчаси, 13 уй) да танишиш мумкин.

30 июнь кундуз соат 3 да Тошкент халқ хўжалиги институтининг илмий кенгаши Олмазор кўчаси, 183 уй) да иқтисод фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

А. Одинцов: «Чимкент область совхозларида пахтанинг интенсивлашининг иқтисодий самараси» деган темада;

Д. Хоназарова: «Қўриқ ерда пахтачилик хўжалигини олиб бориш системасининг иқтисодий асослари» деган темада

Диссертациялар билан институт кутубхонасида танишиш мумкин.

ТОШКЕНТ МАРКАЗИЙ УНИВЕРМАГИ

17 ИЮНДАН 21 ИЮНГАЧА

ШТАПЕЛЬ ГАЗМОЛЛАРНИНГ

Савдо-кўргазмасини ўтказади

Савдо кўргазмасида 140 дан кўп рангли, кўйлак-костюмли газмоллар намойиш қилинади.

Улардан кўйлаклар, кўйлак-костюмлар, халатлар, пляж анжомалари ва шаҳар ташқарисида дам олиш учун кийимлар ҳамда портьер учун енгил газмоллар бор.

Бу ерда сиз харид қилган газмолларни бичтиришингиз мумкин.

САВДО-КЎРГАЗМАСИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

Марказий универмаг эрталаб 9 дан кеч 8 гача ишлайди.

А. М. РАСУЛОВнинг диссертация ёқлаши (Тошкент оқшоми» 7 июнь сонига қаралсин) **КЎЧИРИЛАДИ**

ҲАМЗА РАЙОНИ ОШХОНАЛАР ТРЕСТИГА

Хўжалик бўлими бошлиғи, ошпазлар, буфетчилар, бухгалтерлар, кассирлар, машинистка, идиш-товоқ ювувчилар

КЕРАК

Адрес: Тошкент шаҳар, Дубовой кўчаси, 100 уй (8, 15, 21, 48 автобусларнинг «Дубовий» бекати).

РЕСПУБЛИКА ЯЙЛОВ-МЕЛИОРАТИВ-ҚУРИЛИШ ТРЕСТИНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТЕХНОЛОГИК КОМПЛЕКТАЦИЯСИ БОШҚАРМАСИГА

материал бўлимига натта бухгалтер, техник бухгалтерлар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, 1-Свердлов проезди, 9-уй (3-трамвайнинг «Ассакинская» бекати).

МАДАНИЙ ХЎЖАЛИК МОЛЛАРИ УЛГУРЖИ МАГАЗИНИГА

товар бўлимларига бошлиқлар, катта инспекторлар, иқтисодчилар, товаршунослар, юкчилар

КЕРАК

Меҳнат ҳақи — прогрессив — мукофотли.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Чилонзор, 1-квартал, Гагарин кўчаси, 40 уй (6, 9, 11-троллейбуслар, 2, 23, 26, 54-автобусларнинг «Пионерская» бекати).

ТОШКЕНТ ШАҲАРЛАРАРО ТЕЛЕФОН СТАНЦИЯСИ

Тошкент шаҳрида кунига 6 соатдан телефон станцияларида ишлаш учун 3 ойлик телефонистқалар ва монтёрлик 8—10 синф маълумотига эга бўлган (17 ёшдан 26 ёшгача) ёшларни

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқувчиларга стипендия тўланади.

Меҳнат ҳақи вақтбай — мукофотли.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 23-уй, шаҳарлараро телефон станциясининг янги биноси.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ 4 БЕТ. 16 ИЮНЬ, 1969 й.

«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар, Дзержинский кўчаси, 15-уй. Редакция телефонлари: Коммутатор—33-02-49 дан 33-02-58 гача, редактор ўринбосарлари 33-29-33, 33-29-09, масъул секретарлар—33-27-22, партия совет ва касаба союз ташкилотлари шаҳар хўжалиги бўлимлари 33-29-42, адабиёт санъат ва маданият бўлими 33-29-55, хатлар ва оммавий ишлар, физкультура ва спорт бўлимлари—33-29-70, фан ва олий ўқув юртлари, иллюстрация бўлимлари 33-27-57 саноат, транспорт, қурилиш бўлимлари — 33-27-03 ахборот бўлими — 33-65-57; эълонлар бўлими — 33-81-42.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси Тошкент шаҳри

НАШР 2778 Р. 03119 Индекс 64579